

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 165.12

ДЖЎРАЕВ АНВАР МУҲАММАДИЕВИЧ

**ИЖТИМОЙ БИЛИШДА ЭМПИРИК
ТАДҚИҚОТНИНГ ЎРНИ**

09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг фалсафа
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори,
Хайдаров Хуррам Фармонович

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси 2011 йил _____ ойининг ____ кuni соат ____ да Мирзо Улуғбек Номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-уй, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройи мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-уй.

Автореферат 2011 йил «_____» _____ да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақризларингизни тамғали муҳр билан тасдиқланган ҳолда Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибига (100095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Фалсафа факультети 319-хонага) юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
фалсафа фанлари доктори, профессор**

Д. Т. Норқулов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда чуқур ва кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган, фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этиш йилдан-йилга кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий-маърифий ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган улкан вазифалар кўйилмоқда. Ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва бошқарувнинг мураккаб вазифаларини самарали бажариш учун замонавий фанларнинг эмпирик асосларини атрофлича билиш зарур. Ижтимоий ҳаётни чуқур билиш, бу борада тўпланган бой тажриба ва илмий фактларни тўғри тушуниш, жамиятнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини кашф этиш ва шу асосда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланиш истиқболларини белгилаш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

«Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов, – инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»¹.

Шу жиҳатдан қараганда бугун ижтимоий жараёнларни билиш методологиясининг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки замонавий тадқиқотчи ижтимоий ҳодисаларни билиш методологиясининг асосий принципларини, умумгносеологик қонуниятларни пухта ўзлаштирмай, инсоният ақли яратган илмий метод ва усуллардан самарали фойдаланмай туриб фанда юзага келаётган муаммоларни муваффақиятли ҳал қила олмайди.

Ижтимоий жараёнларни билиш методологиясини такомиллаштириш бутун ижтимоий фанлар мажмуини ривожлантириш, уларнинг кўп қиррали функцияларини муваффақиятли амалга ошириш, ижтимоий амалиётга самарали таъсир кўрсатишига эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт диалектикасининг принциплари, қонунлари, категориялари ва тушунчалари умуман жамиятни, жумладан унинг айрим соҳаларини билишнинг ишончли методологик воситаларидир. Бошқа томондан, гуманитар фанларнинг энг янги ютуқларини умумлаштириш ижтимоий билиш методологиясини такомиллаштириш ва ижтимоий диалектикани ривожлантиришга имкон беради.

Ҳозирда жамиятшуносликнинг янги методологик масалаларини ўрганиш табиатшунослик соҳасидаги тегишли тадқиқотлардан анча ортда қолаётгани сир эмас. Бироқ ижтимоий фанларнинг илмий-диалектик методологияси республикамиз мустақилликка эришгач муайян даражада ривожланиди, катта тажриба тўплади ҳамда ижтимоий билиш ва унинг

¹ Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 33.

натижаларини амалиётда қўллашга кучли норматив ва регулятив таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий жараёнларни билишнинг методологик масалаларини тадқиқ этиш давр талабларига жавоб бермаётгани ҳақида сўз юритганда олимларнинг ислоҳотлар даврида ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларнинг янги муаммоларини тадқиқ этишга етарли эътибор бермаётганликлари назарда тутилади. Зеро, ҳаёт бир жойда турмайди, ижтимоий амалиёт, фан, назария ҳам ривожланмоқда. Шу боис ижтимоий амалиёт ва ижтимоий билиш мамлакатимизда юз бераётган янги воқеликларни методологик жиҳатдан таҳлил қилиши зарур.

Фалсафанинг воқеликни методологик жиҳатдан ва дунёқараш жиҳатидан илмий билишга нисбатан узоқроқ ва чуқурроқ кўра олиши ижтимоий билишнинг эмпирик маълумотларини албатта инобатга олишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий билишнинг эмпирик даражаси ва ўзига хос жиҳатлари шаклланишининг диалектикасига оид муаммоларни текширишда файласуфлар муайян натижаларга эришдилар. Бу муаммо мураккаб гносеологик тизим бўлиб, кўплаб ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан иборат.

Ижтимоий билишнинг хусусиятларини тушуниш билан боғлиқ ғоялар М. Н. Абдуллаева, П. В. Алексеев ва А. В. Панин, В. С. Барулин, Б. Д. Бобоев, В. В. Денисов, И. А. Желенина, Б. В. Ильин, Г. И. Осадчая, В. С. Степин, Ж. Т. Туленов, Б. Т. Тўйчиев, А. Файзуллаев, Х. Ф. Хайдаров, М. М. Хайруллаев, С. Ш. Шермухаммедов, П. Штомпка, В. А. Ядов, А. Ҳ. Ҳожибоев¹ каби файласуфларнинг асарларида ижодий ривожлантирилди.

Ижтимоий билиш объекти, ижтимоий амалиётда субъектнинг объектни адекват акс эттириш жараёнига икки томонлама алоқадорлиги билан боғлиқ қатор муҳим жиҳатлар, илмий ва ноилмий билиш шаклларининг ўзаро муносабати З. Давронов, Г. Герасимов, О. М. Маслова, Ч. Р. Миллс, Ж. С. Рамамов, Г. И. Рузавин² каби олимлар тадқиқотларининг мавзуини ташкил этди.

Энг янги фалсафий адабиётда ижтимоий билиш назарияси, унинг

¹ *Абдуллаева М. Н.* Активность отражения на эмпирическом уровне. – Т.: Фан, 1982; *Алексеев П. В., Панин А. В.* Теория познания и диалектика. – М.: Высшая школа, 1991; *Бабаев Б. Д.* Диалектика эмпирического и теоретического в социальном познании. – Т.: Узбекистан, 1991; *Коришунов А. М., Мантатов В. В.* Диалектика социального познания. – М.: Политиздат, 1988; *Осадчая Г. И.* Социальная сфера общества: Теория и методология социологического анализа. – М.: 1996; *Степин В. С.* Теоретическое знание. – М.: 2000; *Хайдаров Х. Ф.* Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Ташкент: Фан, 1994, *Штомпка П.* Социология социальных изменений. – М.: 1996; *Ядов В. А.* Социологическое исследование. Методология. Программа. Методы. – Самара, 1995; *Ҳожибоев А. Ҳ.* Социал борликни билишнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т., 1990.

² *Давронов З.* Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2006; *Рузавин Г. И.* Методология научного исследования. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999; *Миллс Ч. Р.* Социологические воображения. – М.: 1998; *Маслова О. М.* Качественная и количественная социология: методология и методы // Социология. – М., 1995. – № 5–6. – *Пережудов Л. В., Саидов М. Х., Алиқулов Д. С.* Илмий ижод методологияси. – Т.: Молия, 2002; *Файзуллаев О.* Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т., 2006; *Рамамов Ж.* Гипотеза и прогноз в социальном познании. – Т.: Узбекистан, 1991.

хусусиятлари Г. С. Батигин, А. А. Данто, И. Ф. Девятко, О. Б. Ключкина, Н. И. Лапин, С. С. Новикова¹ сингари олимларнинг илмий ишларида табиатшуносликдаги билиш билан қиёслаб ўрганилган бўлиб, уларда ижтимоий фанлар ва ижтимоий воқеликдаги эмпирик тузилмаларнинг ўзаро муносабатларидаги муаммолар таҳлил қилинган.

Ижтимоий жараёнларни билишнинг назарий ва эмпирик даражасига хос баъзи жиҳатларни тадқиқ этишга М. И. Ефремкин, С. Г. Кирдина, В. В. Семёнова, Г. Г. Татарова, Ю. Н. Толстова, В. Я. Фетисов² каби олимлар катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, илмий билиш муаммосига бағишланган қатор диссертация ишлари ҳимоя қилинган.

Таъкидлаш зарурки, ижтимоий жараёнларни билиш методологияси борасида табиатшунослик фанларидагига қараганда бир неча баравар кам тадқиқотлар ўтказилган. Илмий билиш эришган сезиларли муваффақиятлар олдида унинг янги методологик масалаларини тадқиқ этиш ҳамон оқсамокда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ижтимоий билишнинг турли соҳаларида эмпирик даражанинг шаклланиши ва хусусиятлари кам тадқиқ этилди. Мавжуд илмий ишларда эса ижтимоий воқеликни кўриб чиқишнинг таркибий-манتيқий ва субстрат-эмпирик даражалари бирлигидан келиб чиқадиган жиҳатларига оид назарий тадқиқотлар олиб борилмаяпти. Шу боис ушбу мавзуга бағишланган ишлар салмоғи жуда кам бўлса-да, кейинги йилларда умуман илмий билишнинг турли соҳаларида маълум даражада изланишлар олиб борилган³. Диссертацияда бу изланишларнинг баъзи жиҳатларига қисман тўхталинган.

Ҳозир мавжуд илмий ишларда келтирилган ғоялар таҳлили эмпирик даража муаммоларининг, унинг ижтимоий билишдаги ўрни ва хусусиятларининг ишланганлик даражаси ҳар ҳолда етарли эмаслигидан далолат бермоқда. Мавжуд муаммони системали равишда англаш, тадқиқ этиш ҳали фанда адекват ифодасини топмади ва шу боис ушбу катта гносеологик муаммо гўёки таркибий қисмларга бўлиниб кетди.

¹ Батигин Г. С. Лекции по методологии социологических исследований. – М.: Аспект Пресс, 1995; Девятко И. Ф. Методы социологического исследования. – Екатеринбург: УрГУ, 1998; Ключкина О. Б. Построение теории на основе качественных данных // Социол. исслед. – М., 2000. – № 10. – Данто А. А. Аналитическая философия истории. – М.: 2002; Новикова С. С. Введение в прикладную социологию. Анкетирование. – М.: Нашриёт, 2000; Лапин Н. И. Социокультурный подход и социально-функциональные структуры // Социол. исслед. – М., 2000. – № 7. –

² Ефремкин М. И. Особенности описания социальных фактов Семенова В. В. Качественные методы: введение в гуманистическую социологию. – М.: 1998; Татарова Г. Г. Математическое моделирование социальных процессов в социологическом образовании // Социол. исслед. – М., 2001. – № 8; Фетисов В. Я. Современная социология: соотношение устойчивости и изменчивости // Социология и общество: Тезисы Первого Всероссийского социологического конгресса «Общество и социология: новые реалии и новые идеи». – СПб., 2000. – Кирдина С. Г. Импорт концепций: прежние подходы или новые самостоятельные теории? // Социол. исслед. – М., 2001. – № 8. –

³ Бутенко И. А. Постмодернизм как реальность, данная нам в ощущениях // Социол. исслед. – М., 2000. – № 4. – С. 5–9; Гофман А. Б. Дюркгеймовская социологическая школа // Современная западная социология. – М.: Политиздат, 1990. – Ефремкин М. И. Особенности описания социальных фактов // Исторические записки. – Пенза, 1997. – Журавлев В. Ф. Нарративное интервью в биографических исследованиях // Социология. – 1994. – № 3–4. –

Ижтимоий жараёнларни билишнинг системали-қадриятли детерминацияси ҳақидаги, жамиятшуносликда билишнинг эмпирик даражаси шаклланишининг жараёни ва хусусиятларини белгиловчи асослар ва омилларнинг системалилиги ҳақидаги масала ҳамон етарлича ишланмаган. Айни вақтда дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқур ва муҳим ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги вазиятда ижтимоий билимларнинг табиати, ижтимоий билишнинг қонуниятлари ва ҳозирги ривожланиш тамойиллари (тенденциялари), ундаги эмпирик ва назарий даражалар ҳақида кўплаб янги ғоя ва қарашлар юзага келмоқда. Ижтимоий билишда эмпирик жиҳат диалектикаси муаммоларини системали-гносеологик таҳлил қилиш уларни тадқиқ этишда катта истиқболлар очиб беради.

Тадқиқот мақсади:

– ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик тадқиқотнинг ўрни ва аҳамиятини фалсафий-методологик таҳлил қилиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар қўйилди ва ҳал этилди:

– тадқиқот жараёнида ижтимоий билиш даражаларига хос хусусиятлар, ушбу даражаларни ажратиш мезонларини аниқлаш;

– концептуал илмий аппаратнинг эмпирик тадқиқотда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

– ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишнинг ўзига хослигини ҳамда ушбу тадқиқотни ўтказишнинг методологик ва назарий асосларини очиб бериш;

– ижтимоий назария шаклланишининг эмпирик базисини таҳлил қилиш;

– ижтимоий ҳодисаларни билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражасига ўтиш механизминини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти – илмий билиш шаклларида бири бўлган ижтимоий билиш.

Тадқиқотнинг предмети – илмий билиш эмпирик даражасининг ижтимоий воқеликни билишдаги хусусиятлари, ўрни ва аҳамияти.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. диалектика, тизимли (системали), мантиқий билиш, тарихийлик, анализ ва синтез, объективлик.

Тадқиқот фарази. Тадқиқот фаразининг асосини ижтимоий билишнинг эмпирик даражасини чуқур таҳлил қилиш ҳозирги жамиятни ўрганишнинг эмпирик даражасини кучайтиришга ва пировардида илмий билиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради деган тахмин ташкил этди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1) ижтимоий билишнинг тузилишини таҳлил қилишга икки хил ёндашув мавжуд: *генетик* ёндашувда методологик операциянинг асосини — яқка фактларни умумлаштириш, *контргенетик* ёндашувда эса назарий хоссалар ва алоқаларни эмпирик талқин этиш, ҳақиқий маълумотлар ва алоқаларни концептуаллаштириш ташкил этади. Шу боис ижтимоий билишда концептуал модель бўлмаса, эмпирик тадқиқотни тўғри ўтказиб бўлмайди;

2) илмий фактлар ва назариянинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи назарий модель ишлаб чиқилди. Унга кўра, икки жиҳат мавжуд: биринчидан, фактларга оид эмпирик материал тўпланиши илмий умумлаштиришнинг

тайёргарлик босқичидир; иккинчидан, бундай материал умумлаштириш учун асос бўлиб, ўз-ўзича эмас, балки улардан чиқарилиши мумкин бўлган ҳулосалар туфайли қадрлидир;

3) эмпирик ва назарий даражалар илмий билиш ривожининг натижаси бўлиб, ҳар бир муайян вақтда аниқ мазмунга эга бўлади; айнан шу боис қайси тушунчалар эмпирик, қайсилари эса назарий эканлиги ҳақида эмас, балки у ёки бу тушунча эмпирик ёки назарий хусусиятга эга бўладиган шарт-шароит ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади;

4) эмпирик ва назарий даражалар муносабати жиҳатларининг кўплигини ушбу муносабат тарихий ривожланишининг натижаси деб баҳоламоқ лозим, бинобарин, улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан қонуний келиб чиқадиган даражалар сифатида тасаввур қилиниши керак;

5) эмпирик ва назарий жиҳатлар муносабати томонларининг фарқи сингари, уларнинг умумийлиги, бирлиги, алоқадорлиги ҳам муҳимдир;

6) ижтимоий билимнинг яхлитлиги ғоясига суяниб, эмпирик ва назарий жиҳатларни билимнинг ҳар хил даражалари сифатда эмас, балки илмий фаолиятнинг ўзига хос ва бир-бирига кириб борадиган шакллари сифатида тавсифлаш тўғри бўлади. Масалага бундай ёндашув билиш субъектининг у акс эттирадиган объектив воқелик билан бирлигини кўрсатиб, илмий билишнинг «фаол» табиатига кўпроқ мос келади;

7) тарихий-илмий фактлар ижтимоий назариянинг фактологик базиси сифатида унинг таркибига кириши ҳам, янги назариялар учун хомаки материал сифатида мустақил мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу нисбий инвариантлиги боис фактологик базис муайян ижтимоий назариянинг тўғрилигини текширишга имкон берувчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг янгилик элементларига эга бўлган муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий билишда эмпирик даражанинг шаклланиш диалектикаси ва хусусиятлари мамлакатимиз ижтимоий фалсафий адабиётида биринчилардан бўлиб фалсафий, социологик ва тарихий билимларга асосланган яхлит монографик тадқиқот даражасида таҳлил қилинди;

2) эмпирик ва назарий билиш даражаларининг муносабатларини илмий тадқиқ этиш натижасида улар ўртасидаги чегаранинг нисбийлиги, илмий билиш даражаларини ажратиш мезонларининг шартли эканлиги методик жиҳатдан асослантирилди;

3) ижтимоий жараёнларни билиш жараёнида эмпирик тадқиқотнинг ўзига хос томони очиб берилди, чунончи эмпирик жиҳат назарий жиҳатдан аввал келиши, назарий жиҳат эса ҳар доим ҳам эмпирик даражанинг «устқурмаси» бўлиши шарт эмаслиги кўрсатилди;

4) «ижтимоий кузатув» ва «ижтимоий эксперимент» тушунчаларининг мазмуни ва ҳажми аниқлаштирилди, уларга янги тарифлар берилди. Улар ҳақиқатни кафолатламаса ҳам, анча самарали эканлиги ҳамда назария ва амалиётнинг ҳамкорлигини таъминлаши ҳақида ҳулоса чиқарилди;

5) ижтимоий назариянинг фактологик, конструктив ва норматив

асосларни ўз ичига оладиган эмпирик базиси ҳақидаги концепция илгари сурилди ҳамда унда ушбу базиснинг мавқеи асослаб берилди;

6) ижтимоий соҳалардаги экспериментлар воқеаларнинг ривожига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, мафкуравий ва маданий гуруҳларга ажратилди;

7) типологик метод, структуравий таҳлил методи, мавжуд билимни мантиқий ташкил қилиш жараёни, ижтимоий билишда эмпирик даражадан назарий даражага ўтиш жараёнида математик статистиканинг катта аҳамиятга эгаллиги очиб берилди. Билишнинг ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳамда эмпирик фактлар, дастлабки гипотеза, илмий муаммо кабиларни системалаштириш, тартибга солиш орқали аниқланадиган ўтиш шакллари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотнинг *илмий аҳамияти* диссертациянинг асосий қоида ва хулосалари ҳозирги замон ижтимоий билишида эмпирик тадқиқотнинг табиати ва хусусиятларини чуқурроқ ўрганишга имкон беришида, ижтимоий жараёнларни билишда илмий билиш даражалари ўртасидаги диалектик алоқадорликни тадқиқ этишнинг методологик асосларини аниқлаштиришга ҳаракат қилинганда кўринади. Тадқиқот натижаларидан илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари ҳақидаги махсус илмий, умумилмий ва фалсафий назарияларни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг *амалий аҳамияти* шундаки, унинг материаллари ва натижалари ижтимоий жараёнларни билишнинг илмий даражалари самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларда, фуқаролик жамияти қурувчисининг онги ва янги илмий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини оширишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги соҳаларда фойдаланиш мумкин: фалсафа фани, махсус курслар, махсус семинарлар учун материаллар сифатида, дарс бериш, ижтимоий жараёнларга оид назарияларни тарғиб қилиш амалиётида, талабалар, тадқиқотчилар ҳамда малака ошириш институтлари тингловчилари учун методологик семинарларда, талабалар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот мавзулари, талабаларнинг илмий тўғараклари учун мавзулар ишлаб чиқиш, маърузалар ва суҳбатлар ўтказишда; олимлар, мутахассисларнинг фан методологияси бўйича илмий тадқиқотларида; иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий жараёнларни таҳлил қилиш методологияси сифатида; илмий дунёқараш асосларини шакллантириш билан боғлиқ ғоявий-тарбиявий ишда; ижтимоий билишнинг турли соҳаларида амалга ошириладиган социологик тадқиқотлар амалиётида.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг хулоса ва қоидаларидан ТошПМИ талабалари, аспирантлари учун фалсафа фани бўйича маърузалар ўқишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва

хулосалари ТошПМИ фалсафа кафедрасининг мажлисида (2009 йил 15 февралдаги 2-сонли баённома ва 2010 йил 27 октябрдаги 10-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Диссертациянинг кўпгина хулосалари қатор илмий конференцияларда қилинган маърузаларда ўз аксини топган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича 10 та илмий мақола эълон қилинган. Улардан 5 таси ОАК талабидаги журналларда, 4 таси республика даражасидаги илмий конференциялар материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий фарази, янгилиги ҳамда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Эмпирик тадқиқот жараёнларининг диалектикаси**» деб номланиб, унда ижтимоий билиш даражаларининг тадқиқот жараёнидаги ўзаро алоқадорлиги ва ижтимоий билиш даражаларининг мезонлари ҳақида фикр юритилади.

Ижтимоий ҳодисаларни билишда эмпирик ва назарий даражаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш алоҳида илмий аҳамият касб этади. Ғарб фалсафаси вакиллари илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини бир-биридан ажратишга, уларни метафизик тарзда ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳамда «тарихий ҳодисаларда ўхшашлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас» деган хулосада қатъий туришга ҳаракат қиладилар¹.

Аммо илмий билишда эмпирик ва назарий даражаларнинг бирлиги, бир қарашда, ҳар қандай назариянинг ривожланиш даражаси унинг шаклланиши ва кейинчалик амал қилиши учун зарур бўлган эмпирик билимлар даражасига, жамиятнинг ривожланиш даражаси, охир-оқибатда инсоният ижтимоий-тарихий фаолиятининг ўзига хос характери ва даражасига боғлиқ², деган ғоя анча кенг тарқалди.

Ўз навбатида, жамиятни билиш, эмпирик билим даражасининг ривожланиши эмпирик фаолиятнинг мазмунини тушунишга даъвогарлик қилувчи тегишли назария билан боғлиқ. Одатда, назарий даражанинг эмпирик базиси ривожланмаган бўлса, у мавҳум бўлиб қолади; эмпирик билимларни тартибга солиш учун асос бўладиган назария бўлмаса, етарлича уюшган ва тартиблаган бўла олмайди. Илмий билим ва ижоднинг назарий даражаси илмий изланишнинг аввалги – эмпирик даражасида аниқланган

¹ Қаранг: *Поппер К. Р.* Предположения и опровержения. – М.: *Нашриёт*, 2004.

² Қаранг: *Никифоров А. Л.* Философия науки: история и методология. – М.: *Нашриёт*, 1998.

илмий ахборотни ҳар томонлама таҳлил қилиш, англаш ва талқин этишдан бошланади¹. Шу билан бирга, илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражаларига билишнинг бир-бирини тўлдирадиган иккита шакли сифатидагина қараш тўғри бўлмайди, чунки бундай ёндашув амалда уларнинг мустақиллигини мутлақлаштиради, бу эса улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик, уларнинг бир-бирига ўтиб туриши инкор этилишига олиб келади.

Эмпирик тадқиқот жараёнларининг диалектикаси, муаллиф фикрича, қуйидаги мулоҳазаларда кўринади:

Биринчидан, инсон тевагадаги борлиқни аслича билишга интилади. Бу эса билиш даражаларининг мукамал ўзлаштирилишига боғлиқ. Оламни билиш мураккаб диалектик жараён бўлиб, зиддиятли характерга эга. Илмий билишдаги даражалар эмпирик ҳамда назарий бўлиб, бир-бирини диалектик тарзда тўлдиради ва уларнинг иштирокисиз ижтимоий жараёнларни билиб бўлмайди.

Иккинчидан, билиш объекти сифатида кўпроқ табиат эътироф этилса-да, унда ижтимоий ҳодисалар ҳам катта аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳодисалар ҳам табиат ҳодисалари сингари эмпирик тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Эмпирик тадқиқот эса илмий билишнинг муҳим қисмидир.

Фалсафий адабиётларда учраб турганидек, назарияга эмпирик даража устидаги «устқурма» сифатидагина қараш илмий асосга эга эмас. Назария фақат тажрибани тўлдирувчи сифатида эътироф этилади. Эмпирик ва назарий даражаларни мазмун жиҳатдан ҳодиса ва моҳият, объектлардаги ташқи ҳамда ички жиҳатлар сифатида ифодалаш кўпроқ учраса-да, тадқиқотларда таъкидланишича, бундай нуқтаи назар аниқ ва амалий эмас, чунки у ушбу тажриба маълумотларини рационал қайта ишлашнинг реал механизмини аниқ акс эттирмайди. Шу билан бирга, бу тасаввур бир томонлама хусусиятга эга, чунки асосий эътиборни эмпирик билимнинг назарий билимга нисбатан бирламчилиги жиҳатига қаратади. Бинобарин, инсоният фаолиятидаги идеаллик тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг тарихини инобатга олсак, бу фикрнинг ўзи иккинчи даражалидир.

Эмпирик тадқиқот билан назария ўзаро алоқадор бўлиб, чамбарчас боғланган. Бу диалектик жараённинг мазмунини назариядан эмпирияга, эмпириядан назарияга ўтиш қонуни ташкил қилади. Илмий диалектик нуқтаи назардан, эмпирик билиш даражаси моддий борлиқни идеаллаштиради.

Эмпирик билишнинг хусусияти шундаки, у айна вақтнинг ўзида фаолиятнинг бир шакли бўлган амалиёт учун якун, концептуал-назарий фаолият учун эса асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис эмпирик билим назарий билимга ўтишнинг зарурий босқичи ҳисобланади. Демак, эмпирик ва назарий билимлар тафаккур фаолиятининг икки узвий даражасидир. Илмий билишнинг эмпирик даражаси мураккаб тузилишга эга бўлиб, унга маълумотларни ажратиш, гуруҳлаштириш, солиштириш, қиёслаш,

¹ Қаранг: Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 110.

таснифлаш ва тартибга солиш, аналогия, интерполяция, умумлаштириш каби усулларни киритиш мумкин. Назарий билимда эса тадқиқот объектининг моҳияти очиб берилади.

Назарий ва эмпирик билишнинг ўзаро муносабатини аниқлашда иккита камчиликни бартараф этиш лозим: биринчидан, ҳозир социологик тадқиқотларда ижтимоий фанлардаги замонавий материаллардан етарли фойдаланилмаяпти; иккинчидан, ижтимоий ҳаётга оид эмпирик материаллар фалсафий жиҳатдан етарли умумлаштирилмаяпти. Бундан ташқари, фалсафий ва махсус-илмий методология ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун фалсафий-гносеологик концепцияларга ҳамда социологик тадқиқотлар методологияси ва техникасига таянадиган, шунингдек ушбу методологияни ташкил этадиган янги принцип ва тартибларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Эмпирик ва назарий билишнинг илмий билиш соҳасидаги фаолиятнинг икки хил типи сифатидаги ўзаро муносабати аввало объектив воқеликни илмий билиш даражасини акс эттиради ва мавҳум тафаккур соҳасида ўз ифодасини топади. Бу эса асосан диалектиканинг умумий қоидалари умумий социологик назариянинг махсус назариялар ва эмпирик тадқиқотлар билан ўзаро алоқадорлигини чуқурроқ тушунишга имкон берди. Бинобарин, социологик тадқиқотлар янги илғор элементларни ҳамда умри тугаган эскилик қолдиқларини аниқлашга хизмат қилади. Улар илмий-фалсафий ривожланиш назариясига ҳамда жамиятни ўз-ўзидан ривожланувчи тизим сифатида тушуниш назариясига таянишга муҳтождир. Шу сабабли социологияни ижтимоий фалсафага қарши қўйиш унинг предметини чеклаб қўяди. Бу эса нотўғри социологик хулосаларга олиб келиши мумкин.

Ижтимоий билиш даражасининг мезонлари вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Бу соҳада ҳам эмпирик билим билан назарий жиҳатларни тўғри таҳлил қилганда ижтимоий билиш даражаларининг мезонлари яққол кўзга ташланади. Илмий ишда таъкидланишича, ижтимоий билиш мезонлари методологияга боғлиқ бўлиб, илмий билим ҳосил қилиш, гипотезаларни текшириш, кузатиш, илмий назарияларнинг тузилиши, идеаллаштириш, типлаштириш, тушунтириш тартибини аниқлаш кабиларни ўз ичига олади. Бу мезонлар фалсафий жиҳатдан кенгроқ таҳлил қилинганида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Диссертацияда эмпирия ва назария илмий билишнинг турли даражалари учун хос бўлган, маълумотларни олиш усуллари, ўрганилаётган объектга кириш ва умумлаштиришнинг чуқурлиги, билишнинг чексиз ва узлуксиз жараёнидаги сифатий сакраш билан ажралиб турадиган, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита босқичи сифатида тушунилади.

Воқеликка назарий муносабатнинг ривожланишидан иборат бўлган умумий кўринишдаги социологияда билишнинг эмпирик ва назарий даражалари ўртасида қатъий чегара ўтказиш жуда қийин. Бу шу билан боғлиқки, иккала ҳолда ҳам мавҳумлаштириш ва идеаллаштириш усуллари билан фойдаланилади ҳамда социологиянинг назарий тушунчаларини

шакллантиришда уларнинг эмпирик кўрсаткичларини топиш ҳақидаги масала очик қолади.

Диссертацияда эмпирик ва назарий даражалар ўртасидаги чегара «назарий тил ва кузатув тили» ўртасидаги чегараларга айнан мос келмаслиги таъкидланади. Эмпирик ва назарий даражаларни фарқлашга имкон берадиган қатъий мезонлар йўқ. Муаллифнинг фикрича, мезонларнинг шартли эканлигини билиш муҳим, чунки эмпирик ва назарий даражаларни илмий ўрганиш улар ўртасидаги чегаранинг ўзгариб туришидан далолат бермоқда.

Илмий ишнинг иккинчи боби «**Эмпирик тадқиқотларнинг ўзига хослиги**» деб номланиб, ушбу бобда эмпирик тадқиқотда концептуал аппаратнинг ўрни ва аҳамияти, ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишда эмпирик усулларнинг ўрни ва уларни амалга оширишнинг назарий асослари ҳақида фикр юритилади.

Илмий билимларнинг назарий ва эмпирик даражалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ҳар хил талқин этилиши уларнинг синтези жараёнида иккита асосий муносабатнинг бир-бирдан ажратилишини тақозо этади. Булар – «генетик (назарий даража юзага келишининг асоси бўлган эмпирик даража) ҳамда контргенетик, талқин этувчи назарий билимларни қўллаш соҳаси сифатидаги эмпирик даража»¹. Ушбу муносабатлар орқали назарий билимни ташкил этувчи асосий элементларни эмпирик элементлар билан бирлаштирадиган бўлсак, эмпирик билимнинг ички дифференциацияси етарли ривожланмаганлиги сабабли, уларни бундай қиёслаб бўлмаслиги маълум бўлади. Лекин эмпирик даражани икки турга, яъни (назарий даража юзага келишидан аввал келадиган) соф эмпирик ҳамда (назарий даража асосида ривожланадиган) концептуал-эмпирик даражага бўлиш орқали ушбу қийинчиликни енгиш мумкин².

Эмпирик даражанинг иккала тури ҳам объектларнинг пировард мажмуини ифодалайди. Концептуал-эмпирик даражада объектни қайд этишда ишлатиладиган факт соф эмпирик даражада объектни қайд этишдаги каби ишончли бўлиши керак. Шу билан бирга, улар назарий даража билан ҳар хил нисбатдадир. Соф эмпирик даража одатда назарий даража юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. «Назарий ва концептуал-эмпирик даражалар ўртасидаги муносабат эса гўёки ўрин алмашади, зеро концептуал-эмпирик даража назарий даражанинг соф эмпирик даражага таъсири натижаси ёки назарий даражани аниқлаштириш ва кейинчалик эмпирик вазият яратиш натижаси сифатида юзага келади ва ривожланади»³. Концептуал-эмпирик даражага нисбатан соф эмпирик даражада ҳиссийлик рационал даражага қараганда анча чуқурроқ акс этган бўлади.

Диссертациянинг ушбу бобида эмпирик тадқиқотлар ўзига хос жиҳатларга эғалиги кўрсатилган.

¹ Абдуллаева М. Н. Адекватность отражения на эмпирическом уровне. – Т., 1982. – Б. 32.

² Қаранг: Канке В. А. Основные философские направления и концепции науки. Итоги XX столетия. – М.: Логос, 2000. – С. 76–84.

³ Бабаев Б. Д. Диалектика эмпирического и теоретического в социальном познании. – Т.: Узбекистан, 1991. – С. 66.

Фан йўналишларининг тажрибавий ва назарий жиҳатдан нотекис ривожланиш қонуни бор. Ушбу қонундаги асосий қисмларнинг илмий тизим шаклланиши ва қарор топишининг у ёки бу босқичидаги ўзаро муносабатини тўғри талқин этиш фаннинг ҳозирги концепцияси учун катта аҳамиятга эга. Фалсафий ва ижтимоий билишда фикрий эксперимент, модал вазиятларни текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг эътиборга олиб, ижтимоий билишда тажрибанинг давомийлигини ҳисобга олиш муҳим.

Социология фанида социологик назариялар такомиллашиб бормоқда. Социологияда ҳам эмпирик билим билан назарияни ўзаро фарқлаш зарур. Социологик тадқиқотларда фактлар муҳим эканлигини, улар асосида социологик назариялар пайдо бўлишини унутмаслик лозим.

Диссертантнинг фикрича, эмпирик тадқиқот ўтказишда «бирламчи концепция», «концептуал модель» кабиларга жиддий эътибор қаратилиши зарур. Зеро буларсиз эмпирик тадқиқот асосли бўла олмайди. Социологик тадқиқотда статистик ахборот билан чекланиб қолмаслик керак, чунки у социологиянинг предметини тўлиқ акс эттира олмайди. Ўз навбатида, социологнинг статистикани мукамал билиши олиб бораётган тадқиқотини илмий асослашида ёрдам беради.

Ижтимоий соҳаларни тадқиқ этишда эмпирик методларнинг ўрни беқиёс бўлиб, уларсиз ижтимоий тадқиқотларни амалга ошириб бўлмайди. Диссертацияда ижтимоий жараёнларни билиш аввало кузатишсиз амалга ошмаслиги, кузатиш давомида олим ўрганаётган объектнинг барча томонлари, хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши ҳамда шу асосда янги изоҳлар, илмий далил ва гипотезалар вужудга келтириши асосланган.

Ижтимоий объектларни тадқиқ этишда баён қилиш усули ҳам муҳим ўрин тутаяди. Баён қилиш узлуксиз кузатиш ва олдиндан башорат қилиш қийин бўлган жараёнларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Диссертант бу жараён амалиёт билан боғлиқлигини, шу боис кузатишда қатнашаётган инсон малакага эга бўлиши кераклигини исботлаб берган.

Ижтимоий соҳалардаги экспериментларни муаммоларнинг характериға қараб турларга ажратиш асосида ўтказиш яхши натижалар беради. Жамият ҳаёти кечаётган даврнинг ўзига хослиги ҳам назардан четда қолмаслиги, шу билан бирга экспериментнинг доирасини ҳам пухта билиб олиш керак. Уни ўтказиш фақат назарий башоратларни текшириш билан чекланиб қолмаслиги лозим.

Илмий ишнинг «**Ижтимоий назария шаклланишининг эмпирик асослари**» деб номланган учинчи бобида ижтимоий назариянинг шаклланишида эмпирик базиснинг аҳамияти ва ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик даражадан назарий даражага ўтиш диалектикаси ёритилади.

Ижтимоий билишда, эмпирик тадқиқотнинг бош мақсади — билишнинг кузатиш ва эксперимент усуллари ёрдамида олинадиган маълумотлардан келиб чиқадиган илмий фактларни шакллантиришдир. Чунки илмий

билимнинг эмпирик базисини айнан улар ташкил қилади.

Изланувчининг фикрича, ҳар қандай кузатиш ёки экспериментнинг маълумотлари ўз-ўзича илмий факт бўла олмайди. Улар илмий факт мақомига эга бўлиши учун ҳар хил тасодифий ва субъектив қўшимчалардан тозаланиши ҳамда объектив, зарурий, муҳим, яъни ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини ифодаловчи жиҳатлари ажратилиши зарур. Чунки, «илмий тарихий факт» ижтимоий билимнинг элементи бўлган гносеологик ҳодиса сифатида намоён бўлади ва алоҳида олинган кузатиш ва эксперимент эмас, балки кўплаб кузатишларнинг инварианти, яъни ҳар хил кузатишлар ва экспериментал усулларнинг ўрталаштирилган умумий якунидир»¹.

Ижтимоий назарияларнинг шаклланиши ҳам, албатта эмпирик асосга эга бўлиши керак. Ижтимоий соҳалар кенгайиб боргани сайин эмпирик тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайиб бориши натижасида фактик материаллар назарий аппаратни шакллантиради. Ўз навбатида, эмпирик билиш жараёни муайян тафаккур даражаси, илгари эришилган назарий билимлар, тушунчалар асосида амалга ошади. Ушбу соҳа билишнинг асосий босқичларига ҳам боғлиқ бўлиб, ҳиссий тажриба янги ахборотнинг кўпайишига олиб келади. Ахборот эса ижтимоий назария учун асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, «соф» ҳиссий билиш бўлмаганидек, «соф» назарий тафаккур ҳам бўлмайди. Ҳиссий билиш ва назарий тафаккур натижаларига мантиқий ишлов берилиши лозим.

Муаллиф эмпирик ва назарий даражалар илмий тадқиқот доирасида мавжуд бўлиши, илмий тадқиқот эса билишнинг рационал босқичига киришидан эмпирик даража рационал билишнинг ичида бўлиши ҳақидаги хулосага келган.

Шу асосда илмий тадқиқотда назарий фаннинг эмпирик асосини кузатиш ва эксперимент натижасида олинган маълумотлар ташкил этиши, умуман олганда, улар назарий атамалардан холи тарзда, кундалик сўзлашув тилида ифодаланиши мумкинлиги, бироқ фақат тегишли назарий талқинга эга бўлганидан кейингина фаннинг бирламчи фактларига айланиши кўрсатилган. Назарий фаннинг эмпирик асосини ташкил этувчи тажриба маълумотлари фанга фақат назарий талқин орқали (эмпирик талқинга мос тарзда) илгариги назария билан муайян алоқаси мавжудлиги туфайлигина унинг элементи сифатида кириши асосланган.

Ижтимоий жараёнларни билишда фактологик базис шаклланаётган илмий назарияларнинг тузилиши ва даражасини белгилайди. Ушбу базис қанчалик кенг бўлса, хилма-хил ижтимоий-тарихий ҳодисаларни умумий қонун ва принциплар ёрдамида бирлаштирадиган назария шунчалик фундаментал хусусиятга эга бўлади.

Ижтимоий-тарихий назариянинг фактологик базисини унинг предметига кирувчи ва тегишли усуллар билан тарихий манбалардан олинган маълумотлар, тарихий фактлар ташкил қилади. Фактологик базис

¹ Хайдаров Х.Ф. Ислоҳотлар қонуниятлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 86.

элементларининг энг муҳим хусусияти уларнинг қайси манбалардан келиб чиққанлиги, ушбу тарихий назариядан нисбатан мустақил равишда мавжудлиги ва алоҳида-алоҳида текшириш мумкинлигидадир.

Илмий билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражасига ўтиш мураккаб жараён бўлиб, унинг асосий босқичларидан бири якка фактлардан умумлашган фактларга ўтишдир. Якка фактларга ишлов беришнинг энг самарали усулларида бири – статистик умумлаштириш. Индивидуал ходиса ўзида алоҳида жиҳатларнигина акс эттирмайди, шу сабабли ҳам унинг асосида назарияни шакллантириш мумкин бўлади. Шу боис изланувчи ўзининг аниқ социологик тадқиқотлари объектив бўлиши учун уларнинг умумий, энг муҳим жиҳатларини аниқлаши керак. Бунга эса катта сонлар қонунини қўллаш, статистикадан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик даражадан назарий даражага ўтиш у ёки бу ижтимоий ходисани чуқур ўрганишга ёрдам беради. Ижтимоий фанлар ривож тарихида илмий фактларни таснифлаш, системалаштириш (тизимлаштириш) ва умумлаштиришнинг энг муҳим воситаси бўлиб диалектик метод хизмат қилди. Ушбу метод тадқиқотчига ижтимоий воқеа-ходисаларни объектив равишда ҳамда тарихий ривожланишда, кўплаб алоқалар ва зиддиятли муносабатлар орқали ўрганиш имконини беради.

Диссертацияда ижтимоий ходисаларни билишда табиий ходисалардан фарқли равишда, ижтимоий фактлар ўзида моддийлик ва маънавийлик, объективлик ва субъективликнинг бирлигини ифодалаши, уларда инсон ҳис-туйғулари, истаклари, мақсадлари акс этиши асосланган.

Объективлик ва субъективлик диалектикаси ижтимоий-гуманитар фанларда табиий фанлардагига қараганда янада кўпроқ даражада намоён бўлади. Бу нарса тарихий фактларни таҳлил қилиш даражасидаёқ ўз ифодасини топади: субъект айна вақтнинг ўзида объект бўлади ва аксинча. Бу ўринда субъектнинг ниҳоясиз объективликка эга бўлиш, яъни борган сари камайиб боровчи қисмларида ўзини акс эттириш, айна вақтда ҳеч қачон ўзини субъект сифатида йўқ қилишга етиб бормаслик қобилияти намоён бўлади.

Муайян назария ижтимоий воқеликни тўлиқ, ҳар томонлама таҳлил қилади, барча зиддиятли тамойилларнинг мажмуини кўриб чиқади, воқеаларнинг моҳияти, ички зарурияти ва қонуниятларини очиб беради. Шу боис у эмпирик маълумотларнинг оддий йиғиндиси бўлмасдан, ходисалардан моҳиятга, аниқликдан мавҳумликка, яккаликдан энг умумийликка, тасодифдан заруриятга диалектик ўтиш жараёнида шаклланади.

Диссертацияда назарий билиш илмий билишнинг эмпирик фактлари асосида юзага келиши, ривожланиши, аниқлаштирилиши, текширилиши, қўлланилиши ёки инкор этилиши кўрсатилган. Эски ва янги экспериментал маълумотларнинг тўқнашуви натижасида фанда инқилоб юз беради. Янги ғоя ва принциплар мавжуд зиддиятларни ҳал қилиш натижасида назария ва эксперимент бирлигининг янги, янада юксак даражасида ўзига хос «назарий

синтезлар» сифатида юзага келади.

Ушбу бобда ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик даражадан назарий даражага ўтиш жараёнида типологик метод, структуравий таҳлил, мавжуд билимни мантиқий ташкил қилиш жараёни, математик статистика каби методлар муҳим ўрин тутиши кўрсатилди. Назариянинг шаклланиш жараёни унинг юқорироқ даражадаги умумлаштиришга ўтган сайин очилиб борадиган тушунтириш функциясини босқичма-босқич амалга ошириш сифатида тасаввур қилинади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижасида диссертация бобларидаги таҳлилий натижаларни умумлаштирувчи бир қатор назарий хулосаларга келинди.

1. Ижтимоий ҳодисаларни билишда эмпирик ва назарий даражаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш алоҳида илмий аҳамият касб этади. Ғарб фалсафаси вакиллари илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини бир-биридан ажратишга, уларни метафизик тарзда ўзаро қарама-қарши қўйишга ҳаракат қиладилар.

2. Жамиятни билиш, эмпирик билим даражасининг ривожланиши эмпирик фаолиятнинг мазмунини тушунишга даъвогарлик қилувчи тегишли назария билан боғлиқ. Одатда, назарий даражанинг эмпирик базиси ривожланмаган бўлса, у мавҳум бўлиб қолади; эмпирик билимларни тартибга солиш учун асос бўладиган назария бўлмаса, етарлича уюшган ва тартибланишган бўла олмайди.

3. Илмий билишнинг назарий даражаси унинг аввалги, яъни эмпирик даражасида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш, англаш ва талқин этишдан бошланса-да, эмпирик ва назарий даражаларга билишнинг бир-бирини тўлдирадиган иккита шакли сифатидагина қараш етарли бўлмайди, чунки масалага бундай ёндашув аслида уларнинг муस्ताқиллигини мутлақлаштиради-ю, улар ўртасидаги диалектик алоқадорликни, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини инкор этишга олиб келади.

4. Назарияга эмпирик даража устидаги «устқурма» сифатидагина қараш илмий асосга эга эмас. Назария фақат тажрибани тўлдирувчи сифатида эътироф этилади. Эмпирик ва назарий даражаларни мазмун жиҳатдан ҳодиса ва моҳият, объектлардаги ташқи ҳамда ички жиҳатлар сифатида ифодалаш кўпроқ учраса-да, бундай нуқтаи назар аниқ ва амалий эмас, чунки у ушбу тажриба маълумотларини рационал қайта ишлашнинг реал механизминини аниқ акс эттирмайди.

5. Эмпирик тадқиқот билан назария ўзаро алоқадор бўлиб, чамбарчас боғланган. Бу диалектик жараённинг мазмунини назариядан эмпирияга, эмпириядан назарияга ўтиш қонуни ташкил қилади. Илмий диалектик нуқтаи назардан, эмпирик билиш даражаси моддий борлиқни идеаллаштиради.

6. Эмпирик билишнинг хусусияти шундаки, у айна вақтнинг ўзида фаолиятнинг бир шакли бўлган амалиёт учун яқун, концептуал-назарий фаолият учун эса асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис эмпирик билим

назарий билимга ўтишнинг зарурий босқичи ҳисобланади.

7. Эмпирик ва назарий билишнинг илмий билиш соҳасидаги фаолиятнинг икки хил типи сифатидаги ўзаро муносабати аввало объектив воқеликни илмий билиш даражасини акс эттиради ва абстракт тафаккур соҳасида ўз ифодасини топади. Бу эса асосан диалектиканинг умумий қоидалари умумий социологик назариянинг махсус назариялар ва эмпирик тадқиқотлар билан ўзаро алоқадорлигини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

8. Социологик тадқиқотлар янги илғор элементларни ҳамда умри тугаган эскилик қолдиқларини аниқлашга хизмат қилади. Улар илмий-фалсафий ривожланиш ҳамда жамиятни ўз-ўзидан ривожланувчи тизим сифатида тушуниш назарияларига таянишга муҳтождир. Шу сабабли социологияни ижтимоий фалсафага қарши қўйиш унинг предметини чеклаб қўяди. Бу эса нотўғри социологик хулосаларга олиб келиши мумкин.

9. Ижтимоий билиш даражасининг мезонлари вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Бу соҳада ҳам эмпирик билим билан назарий жиҳатларни тўғри таҳлил қилганда ижтимоий билиш даражаларининг мезонлари яққол кўзга ташланади.

10. Ижтимоий билиш мезонлари методологияга боғлиқ бўлиб, илмий билим ҳосил қилиш, гипотезаларни текшириш, кузатиш, илмий назарияларнинг тузилиши, идеаллаштириш, типлаштириш, тушунтириш тартибини аниқлаш кабиларни ўз ичига олади. Бу мезонлар фалсафий жиҳатдан кенгроқ таҳлил қилинганида янада яққолроқ кўзга ташланади.

11. Эмпирия ва назария илмий билишнинг турли даражалари учун хос бўлган, маълумотларни олиш усуллари, ўрганилаётган объектга кириш ва умумлаштиришнинг чуқурлиги, билишнинг чексиз ва узлуксиз жараёнидаги сифатий сакраш билан ажралиб турадиган, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита босқичидир.

12. Воқеликка назарий муносабатнинг ривожланишидан иборат бўлган умумий кўринишдаги социологияда билишнинг эмпирик ва назарий даражалари ўртасида қатъий чегара ўтказиш қийин. Зеро, иккала ҳолда ҳам мавҳумлаштириш ва идеаллаштириш усулларида фойдаланилади ҳамда социологиянинг назарий тушунчаларини шакллантиришда уларнинг эмпирик кўрсаткичларини топиш ҳақидаги масала очиқ қолади.

13. Эмпирик ва назарий даражаларни фарқлашга имкон берадиган мезонларнинг шартли эканлигини билиш муҳим, чунки эмпирик ва назарий даражаларни илмий ўрганиш улар ўртасидаги чегаранинг ўзгариб туришидан далолат бермоқда.

14. Фан йўналишларининг тажрибавий ва назарий жиҳатдан нотекис ривожланиш қонуни бор. Ушбу қонундаги асосий қисмларнинг илмий тизим шаклланиши ва қарор топишининг у ёки бу босқичидаги ўзаро муносабатини тўғри талқин этиш фаннинг ҳозирги концепцияси учун катта аҳамиятга эга. Фалсафий ва ижтимоий билишда фикрий эксперимент, модал вазиятларни текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг эътиборга олиб, ижтимоий

билишда тажрибанинг давомийлигини ҳисобга олиш муҳим.

15.Эмпирик тадқиқот ўтказишда «бирламчи концепция», «концептуал модель» кабиларга жиддий эътибор қаратилиши зарур. Зеро буларсиз эмпирик тадқиқот асосли бўла олмайди. Социологик тадқиқотда статистик ахборот билан чекланиб қолмаслик керак, чунки у социологиянинг предметини тўлиқ акс эттира олмайди. Ўз навбатида, социологнинг статистикани мукамал билиши олиб бораётган тадқиқотини илмий асослашида ёрдам беради.

16.Ижтимоий соҳаларни тадқиқ этишда эмпирик методларнинг ўрни бекиёс бўлиб, уларсиз ижтимоий тадқиқотларни амалга ошириб бўлмайди. Ижтимоий жараёнларни билишнинг кузатиш босқичида олим ўрганаётган объектнинг барча томонлари, хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари ҳақида тасаввурга эга бўлади ҳамда шу асосда янги изоҳлар, илмий далил ва гипотезалар ишлаб чиқади. Эмпирик билишнинг баён қилиш усули узлуксиз кузатиш ва олдиндан башорат қилиш қийин бўлган жараёнларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараён амалиёт билан боғлиқ бўлиб, шу боис кузатишда қатнашаётган инсон малакага эга бўлиши керак.

17.Ижтимоий соҳалардаги экспериментларни муаммоларнинг характерига қараб турларга ажратиш асосида ўтказиш яхши натижалар беради. Жамият ҳаёти кечаётган даврнинг ўзига хослиги ҳам назардан четда қолмаслиги, шу билан бирга экспериментнинг доирасини ҳам пухта билиб олиш керак. Уни ўтказиш фақат назарий башоратларни текшириш билан чекланиб қолмаслиги лозим.

18.Ҳар қандай кузатиш ёки экспериментнинг маълумотлари ўз-ўзича илмий факт бўла олмайди. Улар илмий факт мақомига эга бўлиши учун ҳар хил тасодифий ва субъектив қўшимчалардан тозаланиши ҳамда объектив, зарурий, муҳим, яъни ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини ифодаловчи жиҳатлари ажратилиши зарур.

19.Ижтимоий назарияларнинг шаклланиши ҳам, албатта эмпирик асосга эга бўлиши керак. Ижтимоий соҳалар кенгайиб боргани сайин эмпирик тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайиб бориши натижасида фактик материаллар назарий аппаратни шакллантиради. Ўз навбатида, эмпирик билиш жараёни муайян тафаккур даражаси, илгари эришилган назарий билимлар, тушунчалар асосида амалга ошади.

20.Ижтимоий жараёнларни билишда фактологик базис шаклланаётган илмий назарияларнинг тузилиши ва даражасини белгилайди. Ушбу базис қанчалик кенг бўлса, хилма-хил ижтимоий-тарихий ҳодисаларни умумий қонун ва принциплар ёрдамида бирлаштирадиган назария шунчалик фундаментал хусусиятга эга бўлади.

21.Илмий билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражасига ўтиш мураккаб жараён бўлиб, унинг асосий босқичларидан бири якка фактлардан умумлашган фактларга ўтишдир. Якка фактларга ишлов беришнинг энг самарали усулларида бири – статистик умумлаштириш. Индивидуал ҳодиса ўзида алоҳида жиҳатларнигина акс эттирмайди, шу сабабли ҳам унинг

асосида назарияни шакллантириш мумкин бўлади.

22. Ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик даражадан назарий даражага ўтиш у ёки бу ижтимоий ҳодисани чуқур ўрганишга ёрдам беради. Ижтимоий фанлар ривож тарихида илмий фактларни таснифлаш, тизимлаштириш ва умумлаштиришнинг энг муҳим воситаси бўлиб диалектик метод хизмат қилди. Ушбу метод тадқиқотчига ижтимоий воқеа-ҳодисаларни объектив равишда ҳамда тарихий ривожланишда, кўплаб алоқалар ва зиддиятли муносабатлар орқали ўрганиш имконини беради.

23. Объективлик ва субъективлик диалектикаси ижтимоий-гуманитар фанларда табиий фанлардагига қараганда янада кўпроқ даражада намоён бўлади. Бу нарса тарихий фактларни таҳлил қилиш даражасидаёқ ўз ифодасини топади: субъект айна вақтнинг ўзида объект бўлади ва аксинча. Бу ўринда субъектнинг ниҳоясиз объективликка эга бўлиш, яъни борган сари камайиб боровчи қисмларида ўзини акс эттириш, айна вақтда ҳеч қачон ўзини субъект сифатида йўқ қилишга етиб бормаслик қобилияти намоён бўлади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. *Хайдаров Х.Ф., Джураев А. М.* Место и значение концептуального аппарата науки в эмпирическом исследовании // Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида педиатрия олийгоҳида таълимни гуманитарлаштириш муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 87-92.

2. *Джураев А. М.* Диалектика перехода от эмпирического к теоретическому в социальном познании // Мустақиллик, демократия ва эркинлик: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТПТО, 1994. – Б. 105-107.

3. *Хайдаров Х.Ф., Джураев А. М.* Значение эмпирического базиса в становлении социальной теории // Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида олий таълимни гуманитарлаштириш муаммолари (II чикиш): Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТПМИ, 1995. – Б. 24-25.

4. *Джураев А. М.* Критерии уровней социального познания // Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида олий таълимни гуманитарлаштириш муаммолари. (II чикиш): Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТПМИ, 1995. – Б. 28-29.

5. *Джураев А. М.* Эмпирические методы в исследовании социальных прогнозов и теоретические основания их проведения // Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида олий таълимни гуманитарлаштириш муаммолари. (II чикиш): Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТПМИ, 1995. – Б. 30-31.

6. *Джураев А. М.* Диалектика перехода от эмпирического к теоретическому в социальном познании // Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида олий таълимни гуманитарлаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТПМИ, 1996. – Б. 36-37.

7. *Джураев А. М.* Ижтимоий билиш жараёнида эмпирик ва назарий

билишнинг ўзаро алоқадорлиги // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТошПМИ, 1996.

8. *Джураев А. М.* Эмпирик тадқиқотларда концептуал аппаратнинг ўрни ва аҳамияти // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2006. – Махсус сон. – Б. 23-25.

9. *Джураев А. М.* Ижтимоий назариянинг шаклланишида эмпирик базиснинг аҳамияти // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 58–60.

10. *Джураев А. М.* Ижтимоий билиш даражалари ва тадқиқот жараёнидаги қарама-қаршиликлар бирлиги // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2009. -№ 4. – Б. 55-58.

11. *Джураев А. М.* Ижтимоий билиш жараёнида эмпирик билимни аниқлаш мезонлари // Республика илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 142-144.

12. *Джураев А. М.* Ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда тиббий маданиятнинг назарий ва амалий асослари // Республика илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 2010. – Б. 30-33.

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жўраев Анвар
Мухаммадиевичнинг 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича
«Ижтимоий билишда эмпирик тадқиқотнинг ўрни» мавзусидаги
диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: илмий билиш, эмпирик билиш, эмпирик билиш усуллари, даражалари, методологияси, таркиби, ижтимоий кузатиш, ижтимоий эксперимент, ижтимоий факт, фактологик базис, эмпирик факт, типологик метод, таркибий таҳлил.

Тадқиқотнинг объекти – илмий билиш шаклларида бири бўлган ижтимоий билиш.

Тадқиқот методлари: диалектика, тизимли (системали), мантиқий билиш, тарихийлик, анализ ва синтез, объективлик.

Ишнинг мақсади: илмий билиш эмпирик даражасининг ижтимоий воқеликни билишдаги хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятини аниқлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: илмий билиш даражаларини замонавий илмий-фалсафий ва методологик қиёсий таҳлил қилиш асосида ижтимоий жараёнларни билишда эмпирик тадқиқотнинг ўрни ва роли аниқланди.

Амалий аҳамияти: диссертациянинг материаллари ва натижалари ижтимоий жараёнларни билишнинг илмий даражалари самарадорлигини оширишга доир тадқиқотларда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қурувчисининг онги ва янги илмий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини оширишда қўлланиши мумкин.

Татбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот хулосалари муаллифнинг нашр этилган мақолалари ҳамда илмий-амалий конференцияларда қилган маърузаларида аксини топган.

Қўлланилиш соҳаси: социология, эпистемология, аниқ фанлар методологияси сингари фан йўналишларидаги тадқиқотлар, педагогик фаолият.

РЕЗЮМЕ

диссертации Джураева Анвара Мухаммадиевича на тему: «Роль эмпирического исследования в социальном познании» на соискание ученой степени кандидата философских наук по специальности 09.00.11 – социальная философия

Ключевые слова: научное познание эмпирическое познание, методы эмпирического познания, эмпирические ступени познания, методология эмпирического познания, структура эмпирического познания, социальное исследование, социальный эксперимент, социальный факт, фактологический базис, эмпирический факт, типологический метод, структурный анализ.

Объект исследования: социальное познание как одна из форм научного познания.

Методы исследования: диалектика, система, логическое познание, исторический анализ и синтез, объективность.

Цель работы: выявить специфику и особенности современного эмпирического исследования в познании сущности глубоких изменений происходящие в нашей социальной жизни.

Полученные результаты и их новизна: впервые в отечественной социально-философской литературе даётся целостный анализ специфики и особенностей диалектики становления эмпирического уровня в социальном познании, основной акцент сделан на анализ философских, социологических и исторических знаний.

Практическая значимость: проведенные исследования дают возможность глубже выявить природу и специфику современного эмпирического исследования в познании социальной действительности. Положения и выводы диссертации имеют большое значение для раскрытия методологической и мировоззренческой роли уровней социального познания и социальной практики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Материалы и выводы диссертации могут быть использованы в процессе преподавания общественно-гуманитарных дисциплин.

Область применения: социология, эпистемология, как в методологии точных наук также в других направлениях научных исследований, педагогическое деятельность.

REZUME

To the dissertation by Djuraev Anvar Muhammadievich on the theme: “Part of empirical study in social perception on competition of scientific degree for candidate of philosophical sciences in speciality 09.00.11 –social philosophy”

Key words: scientific knowledge of empirical perception, methods of empirical perception, empirical levels of perception, methodology of empirical perception, structure of empirical perception, social studies, social experiment, social factological basis, empirical fact, typological method, structural analysis.

Subject of research: To open specificity of unity and fight opposites of social knowledge levels in study process to reveal demarcation criteria in level of social perception; To determine phase and value of conceptual device in empirical study;

Purpose of work: To reveal peculiarities of modern empirical study in perception of essence radical changes in our social life.

Methods of research: The author relies on materials in history philosophy; sociology and history logic; on the richest experience of study theoretical cognitive problems in levels of scientific perception, being accumulated in modern home and foreign philosophy; on large-scale perception in area. Making up empirical basis; the concepts, being carried out them.

The results achieved and their novelty: For the first time in home social philosophy literature the complete analysis of dialectics and peculiarities of empirical level in social perception are given; the main accent is made on analysis of philosophical, sociological and historical knowledge; It is proved on identity of methodology social perception and natural sciences, and, also on illegitimacy of absolutization of their specificity.

Practical value: The carried out researches give possibility to reveal more deeply nature and specificity content of modern empirical study in social perception of its peculiarities. Positions and conclusions of dissertation are of great importance for opening methodological and world view levels role of social perception and practice.

Degree of embed and effectivity: Dissertation materials and conclusions can be involved in process of training social humanitarian courses.

Field of application: in practice of teaching work and propaganda scientific perception as material for philosophy course special courses, seminars for students, past graduates.